

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги**

**Тошкент ирригация ва мелиорация институти**

**Магистратура бўлими**

Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси

Жумаев Умиджон Нормуродович

## **МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**5А620701 - Ер тузиш ва ер кадастри мутахассислиги**

**Мавзу:** Бухоро вилояти Пешкў туманидаги “Ўзбекистон” массивида фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш орқали ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

Илмий раҳбар

проф. С. Аvezбаев

Тошкент - 2012

**“Бухоро вилояти Пешкў туманидаги “Ўзбекистон” массивида фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш орқали ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” мавзусидаги магистрлик диссертацияси дастури**

**Кириш**

**I – БОБ. Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари**

- 1.1 Ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар.
- 1.2 Ердан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари.
- 1.3 Ердан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш услубияти.

**II – БОБ. “Ўзбекистон” массиви ердан фойдаланиш даражаси таҳлили**

- 2.1 “Ўзбекистон” массиви ерларидан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи табиий ва иқтисодий омиллар таҳлили.
- 2.2 “Ўзбекистон” массиви ерларидан фойдаланиш даражаси таҳлили.
- 2.3 Массиви ҳудуди ерларидан фойдаланишнинг истиқболдаги режаси.

**III – БОБ. Ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий тадбирлари.**

- 3.1 Илмий асосланган ер тузиш лойиҳасини тузиш.
- 3.2 Лойиҳани иқтисодий асослаш ва унинг ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсирини аниқлаш
- 3.3 Ердан фойдаланиш самарадорлигига экологик омиллар таъсирини аниқлаш.

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар**

## Кириш

Ишлаб чиқариш жараёни ва инсониятнинг барқарорлиги ер ва ундан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Ер жамият бойлигининг манбаи, инсоният учун моддий бойликлар яратиш ва ишлаб чиқаришни хом-ашё билан таъминлашнинг табиий негизидир. Моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараёнида ер асос (базис) ва ишлаб чиқариш воситаси сифатида қатнашади. Айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқишда ернинг аҳамияти жудаям катта. Бу соҳада ер асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади. Шунинг учун ҳам ерни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш инсоният олдида турган энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, аҳоли сонининг доимий ўсиб бориши ерга нисбатан тежамкорлик муносабатида бўлиш, ундан оқилона, тўла ва самарали фойдаланиш заруратини жамият олдида қўяди. Ердан фойдаланиш ишлари табиатда мавжуд табиий мувозанат бузилишига олиб келмаслиги керак. Бу эса ўз навбатида республикамиз ер фондидан самарали фойдаланишни ташкил этиш масаласининг долзарблигини кўрсатади.

Ер табиат маҳсули бўлиб, унинг бағрида жуда катта қазилма бойликлар - ҳазиналар мавжуд. Ҳаёт учун зарур бўлган сув ҳам ер билан боғлиқ ва унинг бир бўлагидир. Табиатнинг бутунлигини, ҳамма қисмларининг бир-бири билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олсак, ердан фойдаланиш жараёнида табиатнинг бошқа қисмларига ҳам таъсир қилишни тушуниб олиш қийин эмас. Шу сабабдан ердан фойдаланишни ташкил қилиш ва бу жараённи доимий равишда такомиллаштириб бориш мураккаб масала бўлиб, у ер фондини халқ хўжалиги тармоқлари орасида тақсимлаш, унумдор ерларни имкони борича қишлоқ хўжалиги учун ажратиш ва ундан тўла фойдаланиш, ҳайдаладиган ва суғориладиган ерлар миқдорини доимий равишда ошириб бориш, тупроқ эрозиясига ва бошқа унумдорликни пасайтирувчи омилларга қарши курашишни ўз ичига олади.

Ер тузиш ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ва ҳукуматимиз қарорларининг амалга оширилишини таъминловчи давлат тадбирлари тизими ҳисобланиб, халқ хўжалиги тармоқлари орасида ва тармоқлар ичида олиб борилиб янги

ерларни суғориш ва уларни қишлоқ хўжалиги ерларига қўшиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва деҳқончилик маданиятини кўтаришга қаратилгандир.

**Диссертация мақсади.** Тадқиқотнинг асосий мақсади-бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш орқали ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқаришдан иборат.

**Илмий тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертациянинг мавзуси ёритиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик корхоналари
- ердан фойдаланиш самарадорлиги ошириш зарурияти ва унинг ўзига хос хусусиятларини назарий жихатидан асослаш;
- деҳқончиликда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш, тахлил қилиш ва бир тизимга келтириш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарида ерларнинг унумдорлигини ошириш учун ҳудудга мос алмашлаб экиш тизимини жорий этиш;
- ердан самарали фойдаланиш учун ер тузиш ишларини муваффақиятли олиб бориш.

**Диссертациянинг таркиби.** Диссертация ўз ичига қуйидаги ларни олади: кириш, 3 та боб, ҳулоса, таклифлар ва иловалар.

**Биринчи боб.** “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари”. Ушбу бобда ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар, ердан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услубияти келтирилган.

**Иккинчи боб.** “Ўзбекистон массиви ерларидан фойдаланиш даражаси тахлили”. Ушбу бобда объект сифатида қабул қилинган массивининг ерларидан фойдаланишига таъсир кўрсатувчи табиий ва иқтисодий омиллар тахлил қилинган. Массивининг ерларидан фойдаланиш даражаси тахлили асосида ердан фойдаланишнинг истиқболдаги режаси тузилган.

**Учинчи боб.** “Ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий тадбирлари”. Ушбу бобда илмий асосланган ер тузиш лойиҳасини тузиш. Лойиҳани иқтисодий асослаш ва унинг ердан фойдаланиш самарадорлигини

оширишга таъсири, ердан фойдаланиш самарадорлигига экологик омиллар таъсирини аниқлаш масалалари ҳал қилинган.

**Изланишнинг объекти сифатида.** Бухоро вилояти Пешкў туманидаги “Ўзбекистон” массивида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ер участкалари танлаб олинган.

## **I – БОБ. Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари.**

### **1.1 Ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар.**

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун суғориладиган ерларнинг ахамияти жуда каттадир. Чунки, ушбу ҳудудда дехкончилик асосан суғориладиган ерларда амалга оширилади ва бу ерлар бир томондан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади, яъни, улар аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат қорхоналари учун хом ашё манбаи бўлса, иккинчи томондан ноқишлоқ хўжалик объектлари жойлашадиган қурилма (базис) ҳисобланади.

Мустақилликдан кейинги йилларда республикамиз бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжларига, жумладан аҳоли яшаш жойларига, саноат қорхоналарига, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадлар учун кўшимча ер майдонларининг ажратилиши ва сув фонди ерларининг кенгайиши натижасида қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар майдонлари қисқариб бормоқда. Шу сабабли ҳам, республикамиз қишлоқ хўжалигида ҳозирда ечилиши лозим бўлган долзарб вазифа, мавжуд суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Бу масала, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига фан ва техника янгиликларини кенг миқёсда жорий қилиш, сувдан самарали фойдаланиш усулларини қўллаш орқали қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олишни таъминлаш орқали ечилиши мумкин. Бу муаммони ҳал қилишда турли соҳа олимлари (тупроқшунослар, селекционерлар, ер тузувчилар, иқтисодчилар ва бошқа) биргаликда иш олиб бормоқдалар.

**Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили.** Мавзуга оид адабиётлар таҳлили бугунги кунда республикамизда ердан самарали фойдаланиш муаммосини ҳал қилиш масалалари бўйича иккита йўналишда тадқиқотлар олиб борилаётганлигини кўрсатди. Биринчи йўналишда муаммони ҳал қилиш учун ер фойдаланишининг самарадорлигини оширишга қаратилган турли йўналишдаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилаётган бўлса, иккинчи йўналишда республикамиз ҳудудидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг учдан икки қисми маълум даражада шўрланишга учрагани учун шўрланиш ва қайта шўрланишининг олдини олиш ва шўрланган ерларнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни қўллашни кўзда тутмоқда.

Бугунги кунда кўплаб аграр-иқтисодчи ва бошқа сохалардаги олимлар А.Абдуғаниев, С.Авезбаев, С.И.Джалолов, К.Қудратов ва бошқалар ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Бу илмий изланишларда, асосан, иқтисодий механизмлар-ерларни узок мудатли ижарага бериш, фермерлар ва дехқонларда ерга нисбатан эгалик ва мулкдорлик ҳисларини уйғотиш, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид нархларини белгилаш, ер солиғи ставкаларини такомиллаштириш, бир бирлик ер майдонларидан олинаётган ҳосилдорлик, турли тадбирлар учун сарфланаётган сарф-харажатлар, олинаётган даромад каби бир қатор кўрсаткичлар ҳисобга олинган. Олиб борилган адабиётлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда суғорилаётган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг иккинчи йўналишига кўпроқ эътиборни қаратиш кераклигини кўрсатмоқда. Аммо кейинги йилларда Бухор вилоятида вужудга келган сув танқислиги шароитда олиб борилган изланишлар ушбу ерларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан ўтказилаётганлиги учун самарадорликнинг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланган атоқли олим В.Р.Вильямс фикрига кўра “тупроқнинг ўсимликни тўлиқ сув ва озуқа билан таъминлаши натижасида юзага келадиган неъмат ҳисобланган ҳосилдорлик ” кўрсаткичи паст, таннарх эса юкори даражада бўлмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида турли мулк шакллариининг вужудга келиши ва ердан фойдаланишнинг узок муддатли ижарага берилиши амалга оширилаётган бир даврда қишлоқ хўжалигида алмашлаб экиш таркибидан беданинг чиқарилиб, фақатгина пахта ва ғалла экинларининг навбатлаб экилиши сақланиб қолиши ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига олиб келмоқда, бу эса фойдаланилаётган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун экин турларини жойлаштиришни такомиллаштиришни тақазо қилади

Иккинчи йўналишда ўз илмий тадқиқотларини олиб бораётган олимлар Ф.Бараев, Б.Серикбаев, Р.К.Икромов, М.Хамидов ва бошқалар ерларнинг хусусан, шўрланган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга технологик жараёнларнинг таъсири, тупроқга ишлов бериш техналогияси, органик ва минерал ўғитлар бериш техналогияси, шўр ювиш, дренаж ва коллекторлар тизимини такомиллаштириш, экинларнинг эрта пишар навини экиш, уларнинг сувга бўлган талаби, шўрга чидамлилигига ва суғориш муддатларига қараб жойлаштиришга ўз диққат этиборларини қаратганлар.

Шуни таъқидлаш керакки, шўрланган ерларда фаолият кўрсатиш шўрланмаган ерларга нисбатан махсулот етиштириш учун қўшимча сарф – харажатларни талаб қилади, демак, махсулот таннархи шунга яраша юқори бўлади. Шунинг сабабли ҳам шўрланган, ерларда фаолият кўрсатаётган ердан фойдаланувчини иқтисодий рағбатлантиришга йўналтирилган механизмни ишлаб чиқиш, бу ерларда моддий манфаатдорликни яхшилаш орқали турли сифатдаги ерларда фаолият кўрсатаётган ердан фойдаланишлар бўйича даромад мувозанатини тиклаш нафақат иқтисодий самара, балки, ижтимоий самара ҳам баради. Чунки бир томондан ерларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан чиқиб кетишининг олди олса, иккинчи томондан шу ерда яшаётган аҳолининг даромади ошади.

## **1.2 Ердан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари.**

Суғориладиган худудларда деҳқончилик самарадорлиги даражаси бир қанча омилларга боғлиқ бўлади. Биринчи навбатда, улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг концентрацияси ва ердан фойдаланувчиларнинг самарали иқтисослигини белгилаш, уларнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлиги, бошқаришни такомиллаштириш сингари иқтисодий омиллардир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигига улардан ташқари : тупроқ сифати, йиллик самарали ҳарорат миқдори, сув билан таъминланганлик даражаси сингари табиий омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

Суғориладиган ерларнинг махсулдорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги интенсификацияси ва суғоришга алоҳида аҳамият берилади. Суғориладиган деҳқончилик шароитида сув ҳам ер сингари соҳанинг мавжуд бўлиши учун зарурий шароит хисобланади. Чунки у сув манбасидан олиниб, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун келтирилгандан сўнг ишлаб чиқариш қуролига айланади. Суғориш ерга бошка ерда тупроқлар табиатдан олган хусусиятларни беради ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида табиат инжиқликларига бардош бера оладиган шароит яратиш имкониятини яратади.

Суғориладиган деҳқончилик ерда меҳнат ва ишлаб чиқариш воситаларини қўллаш чегараларини бир мунча кенгайтиради, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши интенсификацияси даражасини кўтаради, натижада ер турлари махсулдорлиги ва меҳнат унумдорлиги ошади.

Суғориладиган дехқончилик унинг ривожланишини аниқловчи бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, уларга куйидагилар киради:

. ердан ва сувдан фойдаланишнинг ўзаро органик боғлиқлиги ва бундан келиб чиқадиган ер тузиш ва мелиорация тадбирларини комплекс ўтказиш зарурияти;

. суғориладиган ер турларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган меҳнат ресурсларининг юқори зичлиги;

. қишлоқ ва сув хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондлари концентрациясининг юқори даражаси;

. табиат инжиқликларининг салбий тасирини камайтириш ва юқори махсулдорликга эришиш;

Юқоридагиларнинг барчаси суғориладиган ерларга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш мажбуриятини юклайди.

Мавзу бўйича махсус адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ердан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун бир гуруҳ муаллифлар битта кўрсаткичдан- яъни, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигидан, иккинчи гуруҳдаги муаллифлар эса бир нечта кўрсаткичлардан (яъни махсулот қиймати, соф даромад, ишлаб чиқариш харажатлари, самарадорлик кўрсаткичи, капитал харажатларнинг қопланиш муддати ва бошқ.) фойдаланишни таклиф қилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига бириктирилган ерларда ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга турли тадбирлар тизими хизмат қилади, ушбу тадбирлар мажмуига кирувчи тадбирлардан бири ер тузишдир.

Ер тузиш ер, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини бир бирлари билан оқилона боғлашни, хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари орқали ердан фойдаланувчиларнинг оптимал ўлчамлари, жойлашуви, ишлаб чиқариш тузилиши, ер турлари таркиби масалаларини ечиш имконини беради. Хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳалари эса хўжаликда ҳудудни ва ҳар хил ер турларини оқилона ташкил этишга, хўжалик иқтисодининг ривожланиши ва тупроқ унумдорлигининг ошиб бориши учун энг яхши шароит яратишга ёрдам беради.

Ердан фойдаланиш самарадорлиги ўзининг энг юқори нуқтасига ер тузиш лойиҳаси тўла амалга оширилганда чиқади, лекин уни амалга ошириш ҳар хил иқлимий шароитлар таъсирида йиллар бўйича бир хил бўлмайди.

Қўшимча капитал маблағлар сарфлаш ва йиллик харажатларни камайтириш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда, ердан фойдаланишда ер тузиш натижасида юзага

келадиган самарадорлик даражаси бу тадбирларнинг лойихалаш даврининг узоқлигига, қурилиш муддатлари ва объектлардан фойдаланишнинг меъёрий вақтига боғлиқ бўлади.

Ер тузиш - ижтимоий ишлаб чиқариш тизимининг усиз ҳеч бир корхонани оқилона ташкил этиш мумкин бўлмаган ажралмас бўлагидир. Шунинг учун ҳам ер тузиш ишлаб чиқаришни ва ҳудудни қуйида келтирилган барча ўзгартиришлар учун зарурдир:

- ердан фойдаланувчилар ва улар тизимини ташкил этиш, йириклаштириш, майдалаш ва қайта ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришни концентрациялаш (йириклаштириш) ва ихтисослик йўналишларини ўзгартириш ;
- ер эгаликларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, хўжалик юритиш тизимларининг, деҳқончиликнинг илғор шакллари тадбиқ этиш;
- ирригация, мелиорация, эрозияга қарши ва табиатни муҳофаза этиш тадбирларини амалга ошириш.
- ҳудуднинг мавжуд ташкил этилишини янги технологияларга мослаш.

Ер тузишнинг хўжаликдаги самарадорлиги, ҳудуднинг лойиха бўйича ташкил этилишининг хўжаликда ёки унинг мустақил ўз-ўзини маблағ билан таъминловчи бўлинмаларида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини кўрсатади.

Хўжаликларда ер тузишнинг самарадорлик мезони нафақат, ҳудудни ташкил этишнинг қиймат баҳосини кўрсатувчи ўлчам бўлиши, балки, биринчи навбатда, унинг сифат томонини тафсифлаши керак.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ялпи маҳсулотда кўринади, унга ер тузиш ҳам маълум даражада таъсир этади. Бу таъсирнинг механизми қўйидагилардан иборат.

Биринчидан ер тузишда қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштириладиган ва яхшиланадиган ер участкалари аниқланади.

Иккинчидан ялпи маҳсулот ҳажми ишлаб чиқаришга фойдаланилмаётган ерларни (кераксиз йўллар, ариқлар, зовурлар, марзаларни тугатиш, ишлаб чиқариш марказлари ҳудудларидаги бўш ерларни аниқлаш ва ш.ў ) ўзлаштириб қўшиш ҳисобига ўсади.

Учинчидан, ер тузишда кўзда тутилган алмашлаб экишни жорий этиш экинларни улар учун яроқли ерларга, яхши экинлардан кейин жойлаштириш, чорвачиликнинг озуқа билан таминланишини тўғри ташкил этиш, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорвачилик махсулдорлигининг сезиларли даражада ўсишига олиб келади.

Тўртинчидан, ялпи махсулот хажми ҳар хил исрофгарчиликларни тугатиш ҳисобига ҳам ўсади. Масалан, ҳудуд тўғри ташкил этилганда қишлоқ хўжалик машиналарининг унумдорлигини ошириш эвазига дала ишларини бажариш мудатлари сезиларли даражада қисқаради, натижада махсулотларнинг ноқулай

об-ҳаво шароитлари, экинларнинг йиқилиши, донларининг тўкилиши натижасида моддий ва биологик исрофгарчиликларнинг олди олинади. Ер турларини тўғри ташкил қилиш ва яйловлар ҳудудини тузиш натижасида чорва молларини узоқдаги сув манбасига, яйловга ва оркага фермага ҳайдаб бориш масофасининг қисқариши, сарфланадиган энергия (қувват) сарфини камайтириш ҳисобига махсулот хажмининг ўсиши таъминланади.

Бешинчидан, тупроқ унумдорлигини оширишга экинларни табақаллаштириб жойлаштириш, ўғитларни йўналтирилган тарзда бериш, тупроқ билан қоплаш, ҳудудни эрозиядан сақлаш бўйича тадбирларни ўтказиш ҳисобига ернинг ишлаб чиқариш хусусиятлари, иқтисодий унумдорлиги ошади ва бу ўз навбатида ер турларининг махсулдорлигини оширади.

Шу билан бир қаторда, ялпи махсулот кўрсаткичидан ер тузишнинг умумий самарадорлигини баҳолаш мезони сифатида фойдаланиш қийин.

Натурал кўрсаткичлардан фойдаланишда ҳар хил махсулотларни таққослаш қийин. Ялпи махсулотнинг пул кўриниши бу камчиликдан қутилиш имконини беради, бироқ уни ҳисоблашнинг мавжуд усуллари уруғликлар ва ем-хашаклар бўйича қайта ҳисоблаш ишлари ҳамда махсулотларни қайта ишлашда чиқадиغان чиқиндиларни ҳисобга олиш мақсадида такомиллаштирилиши зарур.

### **1.3 Ердан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш услубияти.**

Магистрлик диссертациясини бажариш даврида олиб борилган тадқиқотларда ердан фойдаланиш самарадорлиги кўрсатувчи кўрсаткичлар сифатида қуйидагилар қабул қилинган:

- 1) етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг харид нархлари бўйича умумий қиймати;
- 2) соф даромад кўрсаткичи;
- 3) ишлаб чиқариш харажатларининг самарасини кўрсатувчи рентабеллик кўрсаткичи;
- 4) капитал харажатларнинг қоплш муддати кўрсаткичи

Ердан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткичларни ҳисоблаш услубияти қуйидагича:

1. **Ялпи маҳсулот қиймати.** Ялпи маҳсулот қиймати етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори харид нархларига кўпайтириш орқали қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

h1

$$ЯМҚ = \sum_{i=1}^{h1} K \times X_n \quad (1)$$

i=1

Бунда: ЯМҚ – ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм

h1

$\sum_{i=1}^{h1}$  – i=1 дан n гача хилдаги қишлоқ хўжалик

i=1 маҳсулоти миқдори

$X_n$  – қишлоқ хўжалик маҳсулотихарид нарҳи, минг сўм.

2. **Соф даромад кўрсаткичи.** Соф даромад кўрсаткичи етиштирилган ялпи маҳсулот қийматидан уни етиштириш учун сарфланган харажатларни айириш орқали қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади.

$$СД = ЯМҚ - X_t \quad (2)$$

Бунда: СД– соф даромад, минг сўм

Хт– ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм.

**3. Рентабеллик кўрсаткичи.** Рентабеллик кўрсаткичи соф даромад миқдорини уни олиш учун сарфланган харажатларига бўлиш орқали фоизларда аниқланади.

$$P = \frac{СД}{Хт} \times 100 \quad (3)$$

Хт

#### **4. Капитал харажатларнинг қопланиш муддати кўрсаткичи.**

Бу кўрсаткич лойиҳабўйича тадбирларга сарфланадиган капитал харажатлар қийматини кўшимча соф даромад миқдорига бўлиш орқали аниқланади.

$$T = \frac{K_x}{\Delta СД}$$

Бунда : Т–капитал харажатларнинг қопланиш муддати, йил.

Кх – лойиҳавий тадбирларга сарфланадиган капитал харажатлар, минг сўм.

ΔСД – қўшимча соф даромад, минг сўм.

## **II – БОБ. “Ўзбекистон” массиви еридан фойдаланиш даражаси таҳлили**

### **2.1 “Ўзбекистон” массиви ерларидан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи табиий ва иқтисодий омиллар таҳлили**

Қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатувчи хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир кўрсатувчи омиллар келиб чиқиш шароитига кўра: табиий ва иқтисодий омилларга бўлинади.

Табиий омиллар табиат томонидан яратилган шароитлар бўлиб, улар таркибига: хўжалик жойлашган жойнинг рельефи, ҳудуднинг иқлим шароитлари, ер ости сувларининг жойлашуви, тупроқлар тавсифини киритиш мумкин.

“Ўзбекистон” массиви ҳудуди Зарафшон дарёсининг чап қирғоғидаги иккинчи соҳилида жойлашган бўлиб, ўзининг нисбатан текис рельефи билан тавсифланади. Хўжалик жойлашган жойнинг қияликдаги нишабликлари 0-1 градусни ташкил этади, баъзи жойларда бу кўрсаткич 2 градусгача этади. Ер ости сувлари анча чуқур жойлашган бўлиб унинг кўрсаткичи 1.5-2.0 метрга этади ва тупроқ ҳосил қилувчи жараёнларга таъсир кўрсатмайди. Ер ости сувларининг минерализацияси кучсиз бўлиб, унинг оқиб чиқиб кетиши қониқарли ҳолатда.

Иқлим шароитлари бўйича хўжалик ҳудуди субтропик чўл зонасига киради, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши, унчалик юқори бўлмаган ёғингарчилик миқдори, қуруқ ва иссиқ ёзи ҳамда совуқ қиши билан тавсифланади. Иқлим кўрсаткичлари «Пешкў» метеостанцияси маълумотлари бўйича қуйидагича тавсифланади.

Ҳавонинг ўртача ҳарорати  $+14.2\text{ }^{\circ}\text{C}$ , максимал  $+45\text{ }^{\circ}\text{C}$ , минимал  $-28\text{ }^{\circ}\text{C}$ .

Шамолнинг ўртача йиллик эсиши тезлиги бўйича энг юқори кўрсаткичи 3.0м/сек га тенг бўлиб, унинг ўртача йиллик кўрсаткичи 2.2м/сек га тенг.

Совуқсиз кунлар 280 кунни ташкил этади. Йиллик ёғингарчилик миқдори 108 мм, унинг асосий қисми вегетация давридан бошқа муддатларда ёғади.

Йил бўйича дала ишларига қулай бўлган кунлар сони 280 кунни ташкил этади.

Хўжалик жойлашган ҳудудининг термик шароитлари унда техник экинлар ва сабзавотларни етиштириш ҳамда боғдорчилик ва узумчилик сохалари ривожлантиришга жуда қулай ҳисобланади.

“Пешкў” метеостанцияси бўйича иқлимнинг ойлар бўйича кўрсаткичлар қуйидаги 1- жадвалда келтирилган.

Тупроқ шароитлари бўйича хўжалик ҳудуди суғориладиган ўтлоқи тупроқлар минтақасида жойлашган бўлиб, уларнинг тавсифи қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2- жадвал малумотларига кўра тупроқни ҳосил қилувчи қатлам ўртача намлик ва сув ўтказувчанлик билан тавсифланади.

Тупроқлар озука элементлари билан ўртача таминаланиш даражасига эга бўлиб, ҳайдалма қатламда чириндининг миқдори 0.358 – 0.935% ни ташкил этади. Механик таркиби бўйича эскидан суғориладиган ҳудудда енгил, ўрта ва оғир қумоқли, шағал тўшалган ўрта ва оғир қумоқлардан иборат. Маданийлашганлик даражаси бўйича юқори ва ўрта даражада маданийлашган. Тупроқнинг карбонатлашганлик ҳолати ҳам юқори бўлиб, гипслашмаган.

Ер ости сувларининг чиқиб кетиши учун яхши шароитлар ушбу ҳудудда шўрланиш жараёнлари ривожланишини секинлаштиради.

## Пешкў метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича ҳарорат

	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Ҳарорат:													
Ўртача	-1.5	2.1	8.1	15.4	22.1	26.9	29.1	27.1	21	13.1	6.3	0.7	14.2
Юқори	21	29	32	37	41	42	45	43	40	35	31	22	45
Паст	-29	-24	-21	-8	2	6	11	8	-1	-13	-25	-28	-29
Шамолнинг ўртача тезлиги, м/с	2.3	2.6	2.9	2.9	3.1	3.2	3.9	3.9	3.0	2.2	2.0	2.1	2.8
Ёгингарчилик миқдори, мм	15	14	21	18	12	3	1	0	0	5	10	11	108
Шамолнинг кайтарилиши:													
Ш	17	21	9	25	43	40	51	54	41	32	25	20	32
ШШҚ	5	5	6	9	6	3	2	2	2	3	5	3	4
ШҚ	4	6	5	8	2	1	0	0	1	3	2	5	3
ЖШҚ	7	6	7	5	2	1	0	0	0	1	4	7	3
Ж	12	12	12	8	2	0	0	0	0	3	6	11	6
ЖҒ	18	15	13	11	4	2	0	0	1	6	12	18	8
Ғ	16	14	13	14	9	7	2	4	8	13	14	13	11
ШҒ	21	21	25	20	32	46	45	40	47	39	32	23	33

“ Ўзбекистон ” массивининг тупроқлар экспликацияси  
 Табиат зонаси ( минтақаси ) Субтропик чўл  
 Тупроқ-иқлим округи-Зарафшон, райони-Ўрта Зарафшон

Тупроқ айирмаси	Ўзлаштирилиш даражаси ва маданийлашганлиги	Механик таркиби			Чиринди		Шўрланиш даражаси	Нишаблги	Механик таркиби		Бонитет балли	Сифат буйича баҳоси
		0-30	30-100	100-200	Қатлам қалинлиги	%			Ювилиши	Сизот суви		
<b>Аллювиал еткизиклардан ташкил топган Зарафшон дарёсининг</b>												
<b>1. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар</b>												
1	Эскидан суғориладиган юқори маданийлашган	Ўрта кумоқли	Ўрта кумоқли	Ўрта кумоқли	51-60	0.935	Кам	-	-	1.5-2.0	77	Яхши
2	Эскидан суғориладиган юқори маданийлашган	Ўрта кумлоқли	Ўрта кумоқли	Ўрта кумоқли	48-55	0.597	Ўртача	-	-	1.5-2.0	54	Ўрта
3	Эскидан суғориладиган юқори маданийлашган	Ўрта кумлоқли	Ўрта кумоқли	Ўрта кумоқли	40-45	0.358	Кучли	-	-	1.5-2.0	36	Ёмон
4	Эскидан суғориладиган юқори маданийлашган	Ўрта кумлоқли	Енгил кумоқдан тўшалган ўрта кумоқ	Енгил кумоқли	45-50	0.517	Ўртача	-	-	1.5-2.0	54	Ўрта
5	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Енгил кумоқлар	Енгил кумоқли	Енгил кумоқли	51-62	0.876	Кам	-	-	1.5-2.0	60	Яхши
6	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Енгил кумоқлар	Енгил кумоқли	Енгил кумоқли	45-50	0.696	Ўртача	-	-	1.5-2.0	60	Яхши

7	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Енгил кумоқлар	Енгил кумоқли	Енгил кумоқли	35-45	0.435	Кучли	-	-	1.5-2.0	40	Яхши
8	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Енгил кумоқлар	Қумдан тўшалган енгил кумоқ	қум	40-45	0.856	Кам	-	-	1.5-2.0	60	Ўрта
9	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Енгил кумоқлар	Қумдан тўшалган енгил кумоқ	қум	35-40	0.673	Ўртача	-	-	1.5-2.0	60	Ўрта
10	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашга	Енгил кумоқли	Қумдан тўшалган енгил кумоқ	қум	31-35	0.415	Кучли	-	-	1.5-2.0	40	Ўрта
11	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашга	Қумоли	Қумдан тўшалган кумоқ	қум	40-45	0.756	Кам	-	-	1.5-2.0	72	Яхши
12	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашга	Қумоқли	Қумдан тўшалган кумоқ	қум	35-40	0.512	Ўртача	-	-	1.5-2.0	46	Ўрта
13	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашга	Қумоқли	Қумдан тўшалган кумоқ	қум	30-35	0.386	Кучли	-	-	1.5-2.0	31	Ёмон
14	Янгидан суғориладиган	Қумоқли	Қумоқ	Оғир кумоқлар	30-35	0.355	Кучли	-	-	1.5-2.0	34	Ёмон
		Ўртача балли : 61										

Юқорида келтирилган тавсиф хўжалик ҳудудида жойлашган суғориладиган ўтлоқи тупроқлар ўзининг агро – химик ва сув – физик хоссалари бўйича қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга қулай тупроқлар тоифасига қўшиш имкониятини беради.

Хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир кўрсатувчи иқтисодий омиллар, асосан, инсон фаолияти натижасида келиб чиқиб, улар таркибига: ишчи кучи билан таъминланиш даражаси, асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланиш даражаси ва бошқа бир қатор шароитлар кирилади.

Хўжаликнинг ижтимоий шароитлари тавсифи яҳоли яшаш тизими билан боғлиқ. Шу сабабли бу йўналишдаги тавсифни бериш учун мавжуд яҳоли яшаш жойларни ўрганиб чиқамиз.

Хўжалик ҳудудида 11 та яҳоли яшаш пункти мавжуд бўлиб уларда яшайдиган яҳолининг умумий сони киши ташкил этади, шу жумладан ишга яроқлилар киши яҳоли яшаш пунктларининг тўлиқ тавсифи қўйдаги 3-жадвалда келтирилган.

### 3 - жадвал

#### Аҳоли яшаш пунктлари тавсифи

т/р	Аҳоли яшаш пункти номи	Хўжаликлар сони	Томорқа ер майдони, (га)	Аҳоли		функцияси
				жами	ишга яроқлилар	
1	2	3	4	5	6	7
1	Навбахор	808	137.39	4040	1616	Марказий
2	Валифажир	353	60.02	1765	706	Ёрдамчи
3	Новобўйи	84	14.27	420	168	Ёрдамчи
4	Сарой	386	65.67	1930	772	Ёрдамчи
5	Кўчкарасул	246	41.80	1230	492	Ёрдамчи
6	Маляшак	596	101.33	2980	1192	Ёрдамчи
7	Сардушоҳ	132	22.43	660	264	Ёрдамчи

3-жадвалнинг давоми

8	Кўпанак	191	32.49	955	382	Ёрдамчи
---	---------	-----	-------	-----	-----	---------

9	Чоробод	196	33.36	981	392	Ёрдамчи
10	Кўчкало	171	29.03	854	342	Ёрдамчи
11	Кўсаравон	587	99.81	2935	1174	Ёрдамчи
12	Хўжалар	182	31.09	912	364	Ёрдамчи
	жами	3932	669.2	18432	7864	

Жадвал маълумотларидан келиб чиқиб яхоли пункларида яшайдиган ҳар бир хўжалик учун 0.17 га томорқа ер майдони тўғри келади.

Массив ҳудудида мавжуд бўлган 11та аҳоли пунктига ажратилган майдон 771.7 га ни, шу жумладан томорқа ерлари 86.8 % ни ташкил этади.

Хўжалик пахтачилик, ғаллачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланган даврда ишчи кучига бўлган талаб 7864 кишини ташкил қилади ва мавжуд ишга яроқлилар сони бўйича бу талаб тўлиқ қопланади.

## **2.2 “Ўзбекистон” массиви ерларидан фойдаланиш даражаси таҳлили**

“Ўзбекистон” массиви Пешкў туманида жойлашган бўлиб, асосий ишлаб чиқариш йўналиши пахтачилик, ёрдамчи тармоқлар: дончилик ва боғдорчилик ҳисобланади. Массиви ҳудуди битта яхлит участкадан ташкил топган, шакли бўйича ихчамлик коэффициенти 1.6га тенг. “Ўзбекистон” массиви маркази Валифажир қишлоғи бўлиб, у туман маркази Янгибозор шаҳарчаси ва вилоят маркази Бухоро шаҳри билан асфальт йўллар орқали боғланган.

Пешкў тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг берган маълумотларига кўра “Ўзбекистон” массиви чегарасидаги жами ерлар 2164.7 га ни, шу жумладан ўзга ердан фойдаланувчилар ерлари 73.7гани ташкил этади.

“Ўзбекистон” массиви чегарасида ўзга ердан фойдаланувчиларнинг таркиби ва уларга бириктирилган ер участкаси ўлчами тавсифи қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

**“Ўзбекистон” массиви ҳудудида жойлашган ўзга ердан  
фойдаланувчилар тавсифи**

№	Ўзга ердан фойдаланувчилар номи	Майдони, (га)
1	Суғориш тармоқлари	21.6
2	Мактаблар	6.3
3	Аэродром	10.4
4	Туман марказий пункти	17.2
5	МЗМГЖ	1.89
6	Қабристонлар	10.2
7	Автомобил йўллари	5.9
8	ЛЭП	0.2
	жами	73.7

“Ўзбекистон” массивига бириктирилган ер турларининг таркиби ва умумий майдондаги салмоғи қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

**“Ўзбекистон” массиви ер фондининг  
2012йил 1 январ ҳолати бўйича тавсифи**

№	Ер турлари	Майдони, га	Умумий ер майдонига нисбатан %	Қишлоқ хўжалик ер турларига нисбатан, %
1	2	3	4	5
1	Хайдалма ерлар, жами шу жумладан: суғориладиган	948.9 948.9	43.9	90.2

5-жадвалнинг давоми

2	дарахтзорлар жами Шу жумладан: боғлар Узумзор Тутзорлар	105.2 57.0 20.2 28.0	4.9	9.8
	Жами қишлоқ хўжалиқ ер турлари	1054.1	48.8	100.0
4	Томорка ерлари	669.2	30.9	
5	Ихота дарахтлари ва теракзорлар	0.2		
6	Ариқлар, каналлар, зовурлар	124.8	5.8	
7	Йўллар	37.7	1.7	
8	Қурилишлар, кўчалар, майдонлар	102.5	4.7	
9	Бошқа ерлар	176.4	8.1	
	Жами бириктирилган майдон, га	2164.7	100.0	

5-жадвал маълумотларига кўра “Ўзбекистон” массиви ҳудудидаги ерларнинг 48.8 % ни қишлоқ хўжалиқ ер турлари ташкил этгани ҳолда, унинг барчасини ҳайдалма ерлар ва кўп йиллик мевали дарахтлар ташкил этади.

Массивга бириктирилган майдондан фойдаланиш коэффициенти фойдаланилаётган ерларнинг умумий майдонига нисбати бўйича аниқланиб, унинг кўрсаткичи 0.80 га тенг .

Массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқлари тавсифи қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

**“Ўзбекистон” массивида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари  
ишлаб чиқариш  
йўналишлари ва бириктирилган майдонлари тавсифи**

/р	Фермер хўжалиги номи	Ишлаб чиқариш йўналиши	Бириктирилган контур рақами	Умумий майдон, га	Шу жумладан	
					Хайд алма ер майдони, га	Кўп йиллик дарахтлар, га
	2	3	4	5	6	7
	“Пешкў Замин Юлдузи” ф/х	Дехқончил ик	1, 3,4. 5, 6, 8, 9,	82.95	78,83	0.46
	“Турон” ф/х	Боғдорчил ик , узумчилик	20.22.24.25.27.28.31	12.73	3.86	7.78
	“Музаф фар Ахмед” ф/х	Боғдорчил ик , узумчилик	33.34.35.36.38.39.40.44.47.48.51	23.44	6.9	16.82
	“Олим Ўткир” ф/х	Дехқончил ик	107.108.109.110.111	11.76	4.75	6.12
	“Фурқат Полвон” ф/х	Дехқончил ик	81.84.87.90.91.102.104.105.113.114.115.116.119.120.121.122.123.126.128	94.15	77.76	1.18
	“Беҳруз Дилшод” ф/х	Дехқончил ик , боғдорчилик	64.69.129.130.131.132.133.134.135.136.137.138.139.140.141.143.144.145.146.147.148.150.201.202	92.05	81.13	5.81
	“Пешкў Чорва Юлдузи” ф/х	Дехқончил ик , узумзорлар	209.210.233.234.241.242.243.244.245.246.247.248.249.250.251.252.253.255.256.257.258.259.261.262.263.264.271.	83.33	65.06	4.8
	“Дехқон” ф/х	Дехқончил ик , боғдорчилик	300.302.303.305.307.311.312.313.314.316.318.319.321.324.326.327.328.329.372.374.376.377.378.379	58.16	48.15	7.66
	“Жамил Фозил” ф/х	Дехқончил ик , боғдорчилик	384.386.388.390.391.392.393.396.398.399.402.403.404.405.406.407.409.410.411.413.414.417.418.419	37.79	31.37	2.75
0	“Болтаобод” ф/х	Боғдорчил ик	543.555	4.38	-	4.10
1	“Ҳожиобод” ф/х	Дехқончил ик , боғдорчилик	526.528.531.534.538.539.540.542.545.546.547.550.552.554.556.557.558.559.560.561.563.564	61.77	51.21	3.62
		Дехқончил ик	625.627.628.629.631.632.633.634.635.637.638.	79.13	74.93	-

2	“Азизбек Иброхим” ф/х		639.641.642.643.645.646.67 9.680.681			
3	“Умиджон” ф/х	Дехкончил ик	682.683.684.685.686.687.68 8.689.690.691. 692.693.694.695.696.697.69 8.699.700	64.35	61.50	0.11
4	“Ҳикматжон Неъматжон” ф/х	Дехкончил ик	617.618.619.620.651.652.65 8.661.662.663.664.665 666.667.668.669.670.671.67 2.673.675.676.677	74.75	68.82	1.07
5	“Жалол Қобил” ф/х	Боғдорчил ик	622.624	8.56	-	6.71
6	“Нурмухаммад” ф/х	Дехкончил ик	585.586.587.588.589.591.59 2.593.594.595.596.597.598.599.60 0.601.602. 603.604.605.606.607.608.60 9.610.611.612.613.614.615.616	72.96	59.10	2.14
7	“Эгамобод Амир Дилшодбек” ф/х	Дехкончил ик, боғдорчилик	505.506.510.511.512.513.51 5.516.517.519.566.568.569.571. 572.573.574.575.577.579.58 0.581.583.584	53.85	47.84	2.44
8	“Шариф Наврӯз” ф/х	Дехкончил ик, боғдорчилик	435.440.441.442	5.75	2.73	2.53
9	“Маҳмуд Шавкат” ф/х	Дехкончил ик	427.429.434.438.439	5.91	5.17	-
0	“Жаҳонгир Гулрух” ф/х	Дехкончил ик	455.462.463.480.481.482.48 3.484.485.486.487.488	68.50	54.93	0.69
1	“Новабӯйи” ф/х	Дехкончил ик, терақзор	449.452.453.490.491.497.50 2.503.	19.87	15.69.	2.45
2	“Алижон” ф/х	Боғдорчил ик	358.444. 446.447.448.451.454	25.74	-	19.4 4
3	“Файзиев Ғайбулло” ф/х	Дехкончил ик	292.296.297.337.338.340.34 9.353.465.469.470.471.472.473.47 4.475.476.477.478.479	53.65	48.54	1.66
4	“Малишояк” ф/х	Дехкончил ик, боғдорчилик	161.176.177.184.185.187.18 8.189.215	30.55	19.86	4.08
5	“Холмат” ф/х	Дехкончил ик, ик	163.164.165.166.167.168.17 1.172.173.174	47.39	41.25	0.82
	<b>Жами</b>			<b>1173.4 7</b>	<b>949.98</b>	<b>105. 2</b>

**Фермер хўжаликларига бириктирилган ҳайдалма ерларда экиладиган экин турлари ва майдонлари тавсифи**

т /р	Фермер хўжалиги номи	Ишлаб чиқариш йўналиши	Ҳайдалма ер майдони,га	Экинлар тури ва майдони,га			
				Пахта 55 %	Бугдой 35%	Ем хашак экинлари	Озиқ овқат экинлари
1	2	3	4	5	6	7	8
1	“Пешкў Замин Юлдузи” ф/х	Дехқончилик	78,83	43.36	27.6		3
2	“Турон” ф/х	Боғдорчилик , узумчилик	3.86				3.86
3	“Музаффар Аҳмед” ф/х	Боғдорчилик , узумчилик	6.9		2.4		3.8
4	“Олим Ўткир” ф/х	Дехқончилик	4.75	2.7	1.7		
5	“Фурқат Полвон” ф/х	Дехқончилик	77.76	42.8	27.2		
6	“Беҳруз Дилшод” ф/х	Дехқончилик , боғдорчилик	81.13	44.7	28.4		
7	“Пешкў Чорва Юлдузи” ф/х	Дехқончилик , узумзорлар	65.06		22.7	35.8	
8	“Дехқон” ф/х	Дехқончилик , боғдорчилик	48.15	26.5	16.7		
9	“Жамил Фозил” ф/х	Дехқончилик , боғдорчилик	31.37	17.2	11		
1	“Ҳожиобод” ф/х	Дехқончилик , боғдорчилик	51.21	28.1	18		
2	“Азизбек Иброҳим” ф/х	Дехқончилик	74.93	41.2	26.2		
3	“Умиджон” ф/х	Дехқончилик	61.50	33.8	21.5		
4	“Ҳикматжон Неъматжон” ф/х	Дехқончилик	68.82	37.8	24		

1 6	“Нурмухам мад” ф/х	Дехқонч илик	59.10	32.5	20.7		2.73
1 7	“Эгамобод Амир Дилшодбек” ф/х	Дехқонч илик, боғдорчилик	47.84	26.3	16.7		
1 8	“Шариф Наврўз” ф/х	Дехқонч илик, боғдорчилик	2.73	1.5	1		
1 9	“Маҳмуд Шавкат” ф/х	Дехқонч илик	5.17	2.8	1.8		
2 0	“Жаҳонгир Гулрух” ф/х	Дехқонч илик	54.93	30.2	19.2		
2 1	“Новабўйи” ф/х	Дехқонч илик, терақзор	15.69.	8.6	5.5		
2 3	“Файзиев Ғайбулло” ф/х	Дехқонч илик	48.54	26.7	17		
2 4	“Малишояк ” ф/х	Дехқонч илик, боғдорчилик	19.86	11	7		
2 5	“Холмат ” ф/х	Дехқонч илик,	41.25	22. 7	14.4		
	<b>Жами</b>		<b>949.98</b>	521 .9	303. 6	<b>40.4</b>	<b>56.7</b>

8-жадвал

“Ўзбекистон” массивида мавжуд бўлган ҳайдалма ерларда экиладиган қишлоқ хўжалик экинларининг таркиби ва майдони бўйича маълумотлар қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

**Қишлоқ хўжалик экинлари майдони ҳосилдорлик ва ялли  
ҳосил кўрсаткичлари**

№	Қишлоқ хўжалик экинлари номи	Майдони, га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялли ҳосил, т
---	---------------------------------	----------------	----------------------	------------------

	Асосий экинлар:			
1	Пахта	521.9	26.8	1399
2	Буғдой: дони	303.6	40.2	1220
	Сабзаёт	37.9	201	1140
3	Картошка	18.8	132	248
4	Маккажўхори: дони	20.2		
5	пояси	20.2	49	99
	Беда: 1- йилги	20.2	105	212
6	2-3 йилги	20.2	45	91
	Қайта экиладиган экинлар:	26.3	145	381
	Маккажўхори силос			
7	учун			
	Кечки сабзаёт	45.6	250	1140
8		25.4	220	559
	жами	948.9		

8-жадвал малумотларига кўра “Ўзбекистон” массивида мавжуд бўлган 948.9 га ҳайдалма ерларнинг 100% қишлоқ хўжалик экинлари билан банд. Фойдаланилаётган ҳайдалма ерларда экиладиган экинларнинг майдонларини таъвсифласак, унда пахта экини 55% ни, буғдой 35%, озиқ-овқат экинлари 6%, ва ем-хашак экинлари 10% ташкил қилади.

“Ўзбекистон” массивида ҳайдалма ерларда экиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва боғларда етиштириладиган маҳсулотларнинг ҳарид нархлари бўйича қиймати қуйидаги 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

**Қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик маҳсулотларининг қиймати**

№	Маҳсулот номи	миқдори, т	Ҳарид нархи, минг сўм	Ялпи қиймати, минг сўм
1	2	3	4	5
1	Пахта	1399	642	898158
2	Буғдой	1220	294	358680
3	Сабзаёт	1140	1663	1895820
4	Картошка	248	1000	248000

5	Макка дони	99	1250	123750
6	Пичан	472	202	95250
7	Силос	1140	100	114000
8	Мева	456	2100	957600
9	Узум	242	1800	435600
	<b>жами</b>			<b>5126858</b>

9-жадвал маълумотларига кўра массивида 2011 йили 5126858 минг сўмлик қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштирилган.

“Ўзбекистон” массивининг иқтисодий фаолиятини кўрсатувчи йиллик ҳисобот маълумотларига кўра махсулот етиштириш учун 3998950 минг сўмлик харажатлар сарифланган ва соф даромад 1127908 минг сўмни, самарадорлик кўрсаткичи эса 28.3 % ни ташкил этган.

Хўжалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритиш чун зарур бўлган асосий ишлаб чиқариш воситалари: бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, мевали дарахтлар ва бошқалар билан етарли даражада таъминланган. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири бу ишлаб чиқаришнинг керакли техникалар билан таъминланишидир. Бу кўрсаткич бўйича мавжуд ҳолат қуйидаги 10- жадвалда келтирилган.

10- Жадвал

**“Ўзбекистон” массиви фаолият кўрсатаётган муқобил МТПда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритиш учун мавжуд бўлган техника ва ускуналар сони ва яроқлилик даражаси тавсифи**

№	Қишлоқ хўжалик техникаси ва ускунаси номи	Сони	Яроқлилик даражаси
1	2	3	4
1	Хайдов тракторлари	4	яроқли
2	Автомашиналар	3	яроқли
3	Транспорт тракторлари	6	яроқли
4	Прицеплар	6	яроқли
5	Ишлов берувчи тракторлар	5	яроқли
6	Культиваторлар	5	яроқли

7	Экиш сеелкалари	5	яроқли
8	Комбайнлар	2	яроқли
9	Плуглар	4	яроқли
10	Бароналар	4	яроқли

### **2.3 Массив ҳудудида ердан фойдаланишнинг истиқболдаги режаси.**

Истиқболга ердан фойдаланиш режасини тузиш учун биринчи навбатда массив ҳудудидаги ер турларнинг таркиби ва майдонлари, аҳоли яшаш тизими ва унинг жойлашуви, уларда яшайдиган ишга яроқли аҳоли сони, фермер хўжалиklarининг асосий ишлаб чиқариш йўналиши. Уларда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситаларининг ишга яроқлилиқ даражаси бошқа омилларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилиши керак.

Массив ҳудудида ердан самарали фойдаланиш йўллари бизнинг назаримизда қуйидагича:

1. Ер турларининг мавжуд таркибидан лойиҳавий таркибга ўтиш, яъни ерларни трансформациялаш ёки ерларни экстенсив фойдаланиладиган бир туридан интенсив фойдаланиладиган иккинчи турига ўтказиш.

Трансформация бир марталик акт бўлмасдан, балки кўп қиррали ва узоқ жараёндир; ташкилий-хўжалик, техник ва ҳуқуқий жиҳатлардан бу ер тузишнинг энг аҳамиятли масалаларидан биридир.

Ташкилий – хўжалик жиҳатидан трансформация қуйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин:

ерларни фойдаланиш интенсивлиги кам турларидан интенсивлиги кўпроқ турларига қишлоқ хўжалик ерларнинг, унинг айрим турларнинг умумий майдонларини кўпайтириш мақсадида ўтказиш;

ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларнинг кенглиги шароитларини яхшилаш мақсадида ерларни бир турдан иккинчисига ўтказиш;

тупроқни ҳимоялаш ва табиатни муҳофазалаш вазифаларини бажарувчи объектлар ва иншоотларни жойлаштириш билан боғлиқ ерларни трансформациялаш;

уй-жой, ишлаб чиқариш, йўл мелиорацияси характеридаги ва ш.ў. объектларни жойлаштириш билан боғлиқ ерларни трансформациялаш.

Трансформациялашнинг мақсадига боғлиқ ҳолда унинг характери ва баҳолаш мезони ҳар хил бўлади. Ерни интенсивлиги

юқори турларга ўтказишда, олдинга қишлоқ хўжалигига ўзлаштириш ва тубдан яхшилаш учун участкалар танланади. Бундан асосий мақсад маҳсулот чиқишини кўпайтириш бўлгани учун-асосий мезон бўлиб капитал харажатларнинг қопланиши хизмат қилади.

Айниқса, энг қимматли ер тури, ҳайдалма ерлардан максимал фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Шунинг учун нафақат ўрмонлашган, чақалакзор, ботқоқлашган қишлоқ хўжалик ва ноқишлоқ хўжалик ерлари участкаларини ҳайдаш учун заҳиралар излаш, балки, уларни ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун иложи борича камроқ сарфлаш керак.

2. Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўз ичига аниқ ҳудуднинг биоиклим ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш, ушбу ҳудудда энг юқори ҳосил берадиган экинларни жойлаштириш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишни кам харажатлар асосида амалга ошириш бўйича тадбирларни олиши керак.

“Ўзбекистон” массиви бўйича келажакда ердан фойдаланиш даражасини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади:

1. Лойиҳа бўйича қишлоқ хўжалик ер турлари таркибини ва майдонларини аниқлаш;

2. Ер турларини ҳудудда жойлаштириш;

3. Алмашлаб экиш тизимини ташкил этиш ва ҳудудда жойлаштириш.

### 3.1 Илмий асосланган ер тузиш лойиҳасини тузиш

“Ўзбекистон” массивида ер турларини белгилаш ва алмашлаб экишни ташкил қилиш.

Қишлоқ хўжалик корхонасида ички ер тузишнинг асосий вазифаларидан бири ер турлари ва алмашлаб экишни ташкил этиш ҳисобланади. Уни ечиш жараёнида қуйидагилар аниқланади:

ҳар бир ер участкасининг хўжаликдаги вазифаси ва фойдаланиш тартиби;

айрим ер турларидан ва ер участкаларидан фойдаланишнинг интенсивлик даражаси;

алмашлаб экишлар тизими, ерларни яхшилаш ва косервациялаш, тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш, ҳудудни мелиоратив, табиатни муҳофаза қилиш учун ва эрозияга қарши тузиш;

ер участкаларидан фойдаланиш меъёрлари, тартиби ва шароитлари.

Ер турларини ва алмашлаб экишни ташкил этиш деганда уларнинг асосланган таркибини, нисбатини, худудидда хўжалик мақсадига мувофиқ жойлаштирилиши ва табақалаштириб фойдаланиши тушунилади. Бу бир неча ажралмас боғлиқ масалаларини ечишни тақозо этади.

Ер турлари таркибини (тузулишини) ва нисбатини, улардан фойдаланиш тартиби ва шароитларини белгилаш.

Ер турларини трансформациялаш, яхшилаш ва жойлаштириш.

Алмашлаб экиш тизимини ташкил этиш.

Ер турлари ва алмашлаб экишни ташкил этишнинг асосий мақсади – ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олиш асосий ердан фойдаланиш интенсивлигини ошириш ва самарадорлигини ўстириш имкониятларини аниқлаш. Бунда экологик талабаларга қаттиқ риоя қилиш керак, сабаби, акс ҳолда тупроқлар унумдорлиги пасаяди, уларда эрозия ва бузилиш жараёнлари ривожланади.

Лойхаларнинг мазкур таркибий қисмда қуйдаги вазифалар ечилади:

1. массивининг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари ва ишлаб чиқариш йўналишидан келиб чиқиб ер турларининг таркиби ва майдонлари аниқланади.

2. ҳисоб-китоблар орқали аниқланган ер турлари худудда жойлаштирилади.

3. Алмашлаб экиш майдонлари сони ва турлари аниқланади.

4. Алмашлаб экиш майдонлари худудда жойлаштирилади ва энг самарали ечим аниқланади.

Ер турларининг таркиби ва майдонларини аниқлаш.

Ер турлари таркиби ва майдонлари ҳар бир хўжаликнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган бозор талаби асосида аниқланади.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалигидан фойдаланиладиган ер турларидан суғориладиган ҳудудларда энг кўп самара берадиганлари боғлар, узумзорлар ва тутзорлар майдонларини аниқлашдан бошланади.

Пахтачилик йўналишидаги хўжаликларида ёрдамчи, сердаромад тармоқларидан бири ипакчиликдир. Ипакчиликнинг ахамияти фақат пилла етиштириш билан чекланиб қолмайди. Йул ва ариқлар бўйига экилган тут дарахтлари далаларни шамол ва чанг-тузонлардан ҳимоя қилиб, экинларнинг хосилдорлигини оширишга замин яратади. Улар ўзлари учун махсус ер майдонлари ажратишни талаб қилмай қўшимча даромад келтиради.

Пилла етиштириш ҳажми бозор талабига ва хўжаликнинг иқониятларига қараб аниқланади. Лойха учун пилла етиштириш ҳажмини хўжаликда фойдаланиладиган ерларнинг бир гектарига 8-19 кг пилла ҳисобидан аниқлаш мумкин:

$$B = P_{фхх} \times 10 = 1062 \times 10 = 10,6 \text{ т}$$

Белгиланган ҳажимдаги пиллани етиштириш учун фақат ариқ ва йўллар бўйларига экилган тут дарахтлари барглари етишмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда ипак қуртларини озуқа билан тўла таъминлаш мақсадида тутзорлар барпо қилинади. Тутзорлар майдони куйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$P_{ТМ} = P_{Б \times В} - P_{ф \times М \times Уд} = 10,6 \times 170 - 1062 \times 20 \times 0,066 = 1802 - 1274,4 = 8,8$$

$\begin{matrix} U_T & 60 & 60 \end{matrix}$

“Ўзбекистон” массивида амалда мавжуд бўлган тут дарахтлари майдони 16,5 га бўлиб унинг ўлчами талаб қилинадиган ўлчамдан катта бўлгани учун лойиҳада амалдаги майдон қолдирилади.

Боғ ва узумзорлар майдонлари бозор талабларига қараб аниқланади.

Ер тузиш лойиҳасини тузиш жараёнида боғ ва узумзорлар майдони фойдаланиладиган ерларнинг 1-2 фоизи мақдорида қабул қилинади:

$$P_{б} = 1062,0 \times 0,015 = 15,9 \text{ га}$$

$$P_{у} = 1062,0 \times 0,01 = 10,6 \text{ га}$$

Ўзбекистон шароитида боғдорчилик ва узумчилик жуда сердаромад тармоқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу тармоқларга ажратиладиган ер майдони хўжаликда улардан экиладиган махсулотларини қайта ишловчи цехлар қурилган бўлса кўпроқ ҳам бўлиши мумкин. Агар хўжаликнинг махсулотларни қайта ишлаш бўйича имкониятларини чеклаган бўлса, уларнинг майдонлари фақат хўжалик ички бозори талабларига мослаб камайтиради.

“Ўзбекистон” массивида қурилиш учун зарур ёғоч ва тахта олиш мақсадиди теракзорлар ҳам барпо қилиниши режалаштирилган. Унинг майдони куйидагига тенг:

$$P_{cy}=1062 \times 0.01=10,6 \text{ га}$$

Массиви ҳудудидаги ерларини тупроқ эрозиясидан ҳимоя қилиш учун ихота дарахтлари барпо қилинади. Улар учун ажратиладиган ерларнинг майдони мавжуд ерларнинг эрозиясига учраш даражасига қараб аниқланади. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида тупроқ эрозиясининг асосий тури шамол эрозиясидир. Шунинг учун ҳам ихота дарахтлари майдони шамолнинг кучига қараб аниқланади.

Ихота дарахтлари учун ажратиладиган ер майдони шамол кучсиз ҳолат учун 0.5% қилиб олинади.

$$P_{ид}=1062 \times 0,005=5,0 \text{ га}$$

Ҳайдалма ерлар майдони хўжаликда келажакда фойдаланиладиган ерлар майдонларидан юқорида ҳисоблаб топилган ёки лойиҳа бўйича қабул қилинган ер турлари майдонларини ажратиш орқали аниқланади.

$$P_{xc}=1062,0-(16,5+15,9+18,4+10,6+16,2+233,4+3,0)=$$

748.0га

Хўжаликнинг келажакда фойдаланадиган ер турларини таркиби ҳамда майдонларини аниқлагач, уларни хўжалик ҳудудида жойлаштириш масаласини ечишга киришилади.

Ер турларини жойлаштириш.

Ер турларини жойлаштиришдан кўзда тутилган асосий мақсад хўжалик ерларидан тўла ва самарали фойдаланишни таъминлаш,

табиатни ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш учун қулай шароит яратишдан иборат.

Ер турларини жойлаштиришда ҳудуднинг иқлими, рельефи, тупроқ ва географик шароити, хўжалик марказлари ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг жойлашувини ҳисобга олиш керак. Транспорт харажатларини камайтириш мақсадида кўп юк ҳосил бўладиган ер турларини хўжалик марказларига яқин жойлаштирилади.

Боғлар, узумзорлар учун ажратиладиган ерларда сизот сувлари ер юзасига яқин бўлса, дарахтлар илдизлари ер ости сувларига етгач, улар қурий бошлайди. Натижада дарахтнинг ўсиши сусаяди ва қуриб қолади. Шу сабабли, лойихавий боғлар учун ер ости сувлари ер сатҳидан 1.5-2.0 м паст жойлашган майдонлар ажратилади. Теракзорлар иложи борича қишлоқлар ёнига жойлаштирилиши керак. Улар қишлоқларни хушманзара қилиб, ҳавосини тозалаш, иқлимни юмшатиб туриш билан бир қаторда, яқинда учун ҳордиқ чиқарадиган жой вазифасини ҳам бажаради, лойихавий теракзорлар ердан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида хўжаликда фойдаланилмай ётган ёки фойдаланиш ноқулай бўлган ерларда барпо қилинади.

Юқорида келтирилган талаблар асосида “М. Бобур массивида” ер турлари қуйидагича жойлаштирилади: ечимлада яқинда пунктларидаги хилларининг келажакда кўпайишини ҳисобга олиб 13.2 га кўпайтирдик, боғлар майдони 11.9 га кўпайтирилди. Массиви ҳудудида узумзор бўлмагани сабабли 10.6 га узумзор барпо қилдик. Далаларни химоя қилувчи ихота дарахтлари майдони 1.4 га оширилди.

Ҳудудда қишлоқ хўжалик ер турлари майдонлари жойлаштирилгач ҳайдалма ер майдонларида алмашлаб экиш тизимини барпо қилиш масаласи ечилади.

### **Алмашлаб экиш майдонлари сонини ва турларини аниқлаш.**

Алмашлаб экиш майдонлари турлари ва сони хўжаликнинг ихтисослашган деҳқончилик ва чорвачилик турларига, бўлимларининг ихтисосликларига, уларнинг тупроқ ва иқлим шароитларига, рельефига, ер майдонининг ихчамлигига, унинг табиий ва суъний тўсиқлар билан бўлақларга бўлинишига ҳамда

хўжалик жойлашган ҳудуд учун илмий муассасалар томонидан қилинган тавсияларга қараб аниқланади.

Алмашлаб экиш турлари ва сонини аниқлаш учун хўжаликнинг тупроқ ва ирригация ҳариталари, хўжалик ерларининг ҳолати чуқур ўрганилади ва унинг ҳар бир ер бўлаги учун қандай турдаги ва тартибдаги алмашлаб экишни ташкил қилиш тўғрисида ҳулоса килинади.

Алмашлаб экиш майдонлари сонини аниқлаш учун хўжалик ҳудудида тупроқ турлари чегараларини, ерларнинг бўлакларига бўлинишини ва уларнинг суғорилиш усуллари, ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилиш талаблари ва алмашлаб экиш майдонларининг илмий муассасалар томонидан тавсия этилган оптимал ўлчамлари ўрганиб чиқилади ва лойиҳа ишланади.

Алмашлаб экиш турлари ва сонини аниқлаш борасидаги ишлар ёрдамчи тармоқларга ер ажратишдан бошланади. Ёрдамчи тармоқлар ҳажми асосан бозор талаби ва хўжалик имкониятларидан келиб чиқиб аниқланади.

Сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотларини етказиш ҳажмига хўжалик яхолисининг, хўжалик ерларига яқин жойлашган шаҳарларнинг, маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарининг талабларига таъсир килади.

Шунинг учун бу кўрсаткичлар ер тузиш лойиҳасини ишлаш жараёнида мутахассислар билан биргаликда белгиланади.

Дехқончиликнинг сабзавотчиликка ихтисослашмаган (пахтачилик, шоличилик, ғаллачилик) хўжаликларида сабзавот полиз ва картошка экинлари учун фойдаланиладиган ерларнинг 1-2% ажратилади.

Етиштириладиган маҳсулотнинг миқдори малум бўлганлиги учун сабзавот ва полиз учун зарур ер майдонларини қуйидаги ифода ёрдамида аниқланди:

$$P_c = M_x$$

Ү

Бунда:  $M_x$  - етиштириш мўлжалланаётган маҳсулот

миқдори, ц;

У-ҳосилдорлик, ц/га

Сабзавот учун зарур ер майдонларини аниқлашда ердан мавсум давомида 2 марта ҳосил олиш имконияти ҳисобга олинди.

Картошка етиштириш учун зарур ер майдонини аниқлашда қуйидаги ифодадан фойдаланилди:

$$P_k = \frac{M^x}{y} + \frac{M^x \cdot y \cdot 30}{y^2} = \frac{M^x}{y^2} = \frac{M^x + M^x \cdot 30}{y^2}$$

Бунда: етиштириш учун мўлжалланган картошка ва кортошка уруғчилик учун зарур ер майдонлари ҳисобга олинган (Бир гектар ерга экиш учун 3 тонна картошка уруғи сарф бўлади).

Ифодани 2 - қисми эса картошка уруғи етиштиришга зарур бўлган ер майдонини кўрсатади. Картошка майдони аниқлашда ҳам унда 2 марта ҳосил олиш имконияти ҳисобга олиниши керак.

Агар хўжаликда 195 т, сабзавот 175 т полиз маҳсулотлари ва картошка 137т етиштириш мўлжалланаётган бўлса, улар учун зарур ер майдони қуйидагича аниқланади:

$$P_c = \frac{1950}{250} = 7.9 \text{ га}$$

Сабзавотларнинг айрим турларидан 2 марта ҳосил олинишини ҳисобга олсак:

$$P_c = \frac{7.9}{1.5} = 5.3 \text{ га}$$

Бу ҳисобда ердан мавсум давомида қайта фойдаланиш коэффициенти 1.5 га деб тенг қабул қилинган .

Полиз экинлари учун зарур ер майдони :

$$P_{п} = \frac{1750}{5.9} = 5.9 \text{ га}$$

Картошка экиш учун ажратиладиган ер майдони:

$$P_k = \frac{1970}{200} + \frac{1970 \times 30}{4000} = 10.6 \text{ га}$$

Агар Узбекистон шароитида картошкadan бемалол 2 марта хосил олиш мумкинлигини хисобга олсак:

$$P_k = 10.6 : 2 = 5.3 \text{ га}$$

Пахтачилик хўжаликларида бу экинларини майдонларни оз бўлганлиги учун уларни ем -хашак экинлари билан қўшган ҳолда бир алмашлаб экишмайдони сифатида ташкил қилинади. Бунда озиқ- овқат экинлари майдони

$$COK = 5.3 + 5.9 + 5.3 = 16.4 \text{ га}$$

Алмашлаб экишнинг умумий майдони 37.2 га . Даланинг ўртача майдони 9.3 га. Дехқончиликнинг учун ажратилган ерларнинг қолган қисми дехқончиликдаги асосий тармоқ пахтачилик учун ажратилган бўлиб, уларда пахтачиликка мослашган алмашлаб экиш қилшади.

Алмашлаб экиш майдонлари бўйича илмий асосланган тавсиялар асосида лойиҳаланган алмашлаб экиш турлари ва майдонлари тавсифи қуйидаги 9-жадвалда келтирилган.

**Лойиҳа бўйича алмашлаб экиш турлари сони ва майдони тавсифи**

Алмашлаб экиш				Экин турлари, га					
тури	Майдони, га	Схема-си (тартиби)	Далани ўртача майдони га	Пахта	Буғдой	Картошка	Сабзавот	Полиз	Емхашак
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1 ечим									
П-Д	386.6	2:2:4:2	38.66	232.2	154.4	6.3	6.3		
П-Д	329.3	2:2:4:2	32.93	197.6	131.7				
СОК	37.2	1:1:1	9.3			5.3	5.3	5.9	21.3
	748,0								
2 ечим									
П-Д	243.4	2:2:4:2	24.3	146.2	97.2				
П-Д	166.7	2:2:4:2	16.7	99.9	66.8				
П-Д	300.7	2:2:4:	30.0	180.7	120.				

		2			0				
СОК	37.2	1:1:1	9.3		10.6	5.3	5.9	5.9	20
жам и	748.0								

9-жадвалда (маълумотлардан кўришиб турибдики 1 ечим бўйича 2 та далачилик (пахта-бугдой) ва 1та сабзаёт озуқа алмашлаб экиш массиви лойиҳаланган. 2 ечимда 3та далачилик (пахта-бугдой) ва 1 та сабзаёт-озуқа алмашлаб экиш массиви лойиҳаланган. Барча лойиҳаланаётган алмашлаб экиш турлари, уларнинг майдонлари ва уларда экиладиган экинларнинг таркиби кўрсатилган.

**Лойиҳани иқтисодий асослаш ва унинг ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсирини аниқлаш.**

Ер турлари ва алмашлаб экиш майдонларини жойлаштиришни иқтисодий асослашда ҳам ўзлаштириладиган ерларнинг аниқ майдонлари курилиши зарур инженерлик иншоотларининг ҳажми аниқ булмагани учун фақат умумий харажатларидан фойдаланиш мумкин.

**Ер турлари ва алмашлаб экиш майдонларини жойлаштириш тавсифи.**

Ер турлари алмашлаб экиш майдонлар	Алмашлаб экиш таркиби	Майдони, га	Хўжалик марказларидан узоқлиги, км		Ихчамлик	
			Хўжалик маркази номи	Уртача масофа	Ер булаклар сони	Майдони чизиқлиги
1	2	3	4	5	6	7
		1-ечим				
П-Д	2:2:4:2	381.5		1.9	1	5.3
П-Д	2:2:4:2	329.3		1.8	1	5.4
СОК	1:1:1	18.8		1.0	1	0.7
жами		748.0				
		2-ечим				
П-Д	2:2:4:2	243.4		1.7	1	4.2
П-Д	2:2:4:2	166.7		1.9	1	3.9
П-Д	2:2:4:2	300.7		1.4	1	1.9
СОК	1:1:1	37.2		0.6	1	1.7
жами		748.0				

10-жадвалда ечимлар бўйича лойihalанаётган алмашлаб экиш массивларининг аҳоли пунктларига боғланишини ва улар ўртасидаги масофа, алмашлаб экиш массивларининг ер бўлакларидан ташкил топганлиги ва уларнинг майдонлари чўзиқлиги кўрсаткичлари келтирилган.

**Ер турлари ва алмашлаб экиш майдонлари тупроғи**

Ер турлари	Майдони, га	Тупроқ турлари,га	Тупроқнинг шўрланиш даражаси, га		
		Суғ.бўз ўтлоқи	шўрланмаган	кам шўрланган	Ўрта- ча шўрла нган
1	2	3	4	5	6
П-Д	381.6	1-ечим 381.6	381.6		
П-Д	329.2	329.2	300.0	29.2	
СОК	37.2	37.2	37.2		
жами	748.0	718.8	29.2		
		2-ечим			
П-Д	243.4	243.4	243.4		
П-Д	166.7	166.2	166.2		
П-Д	300.7	300.7	281.5	29.2	
СОК	37.2	37.2	37.2		
Жами	748.0	748.0	718.8	29.2	

П-Д пахта-дон

11-жадвалда берилган маълумотларда ечимлар бўйича лойиҳаланаётган алмашлаб экиш массивларининг тупроқларининг шўрланиш даражаси бўйича эгаллаган майдонлари кўрсаткичлари келтирилган.

Қишлоқ хўжалиги ер турларини ва алмашлаб экиш майдонларини тўғри жойлаштириш учун уларнинг ишлаб чиқариш бўлимлари ва хўжалик марказлари билан яхши боғланишини таъминлаш мақсадида лойиҳа икки ечимда ишланди.

Ер турлари ва алмашлаб экиш майдонлари жойлаштириш билан боғлиқ асосий харажатларга куйидагилар киради:

юкларни ташишда сарф бўладиган транспорт харажатлари;

қишлоқ хўжалик машиналарининг даладан далага утиш билан боғлиқ харажатлар.

Бир гектарга тўғри келадиган юк миқдори ҳамма алмашлаб экиш майдонлари бўйича ва ер турлари бўйича аниқланди, кейин ечимлар бўйича юкларни ташиш бўйича аниқланади, транспорт харажатлари аниқланди ва натижаси 10 – жадвалда ёзилди.

12-  
жадвал

**Ечимлар бўйича алмашлаб экиш массивларида ҳосил бўладиган юкларни ташиш харажатлари ҳисоби**

Ер	Алмашлаб экиш		1 га ер	Юкнинг	Уртач	1	Юклар
П Д	2:2:4:	381,6	14,8	5646,2	1,9	250	2681,9
ла	Таркиб	Майдон	тўғри	умумий	масоф	Т/км	ши
ва	и,	и,	келадига	миқдор	а км	Та-	ташиш
П Д	схемас	329,2	15,7	5168,5	1,8	шиш	4325,7
маш	и	Та,	н юк,т	Т (3×4)		хаки	98 минг
лаб						сум	сум
СОК	1:1:1	37,2	76,3	2838,4	1,0		709,50
эки							05×6×7
ш							
Жай		748,0					5700,2
дон-							43
лари							
			2-ечим				
1	2	3	4	5	6	7	8
П Д	2:2:4:	243,4	14,7	35779,8	1,7	250	1520,6

	2						42
П Д	2:2:4: 2	166,7	15,0	2500,5	1,9		1187,7 38
П Д	2:2:4: 2	300,7	15,4	4630,8	1,4		1620,7 73
СОК	1:1:1	37,2	75,7	2816,0	0,6		422,40 6
жами		748,0					4751,5 59

12-жадвалда лойиҳаланган алмашлаб экиш массивиларининг 1га майдонига тўғри келадиган юк ҳажми, ташиладиган умумий миқдори ва юкни ташиш учун сарфланадиган харажатлар суммаси келтирилган.

1га ер ҳисобига қилинадиган меҳнат сарфининг жойлашишига қараб ечимлар бўйича ер турлари ва алмашлаб экиш майдонларининг жойлашиши ҳар хил бўлади. Алмашлаб экиш майдонлари бўйича ўртача меҳнат сарфи ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Ишчиларни ташиш учун қилинадиган харажатларни аниқлашда 1км гача бўлган масофадаги ер турлари ва алмашлаб экиш майдонларини ҳисобга олмаслик керак. Бундай яқин масофага ишчиларни ишга автомашинада олиб бориш самара бермайди.

13-жадвал

**Ечимлар бўйича ишчиларни ташишга келадиган харажатлар.**

Ер турлари ва ал-	Алмашлаб экиш таркиб	Майдони, га	Меҳнат сарфи, Одам/ кун	Уртача масофа ,	Автомашинаниг 1 км юриш	Ишчиларни ташиш хара-
-------------------	----------------------	-------------	-------------------------	-----------------	-------------------------	-----------------------

маш- лаб экиш май- донла -ри номи	и		1 га	жами	км	хаки сўм	жат- лари минг сўм
1	2	3	4	5	6	7	8
1-ечим							
П-Д	2:2:4:2	381,6	47.4	18087. 8	1.9	150	5155.0 34
П-Д	2:2:4:2	329,2	46.2	15209. 0	1.8		4106.4 30
СОК	1:1:1	37,2	87.4	3251.3	1.0		4876.9 2
Жами		748,0					9749.1 56
2-ечим							
П-Д	2:2:4:2	243,4	47.0	11439 .8	1.7	150	2917.1 49
П-Д	2:2:4:2	166,7	45.8	7634. 9	1.9		2175.9 35
П-Д	2:2:4:2	300,7	44.6	13411 .2	1.4		28162. 356
СОК	1:1:1	37,2	82.6	3072. 7	0.6		2765.4 5
Жами		748,0					8185.9 85

13-жадвал маълумотларида лойиҳаланган алмашлаб экиш массивларида ечимлар бўйича 1га ер майдонига тўғри келадиган меҳнат сарфи, жами меҳнат сарфи ва ишчиларнинг иш жойга олиб келиш учун сарфланадиган харажатлар миқдори, келтирилган.

Ечимлар бўйича аниқланган юклари ва ишчиларни ташиш билан боғлиқ бўлган харажатлар миқдори қўйидаги якуний 12-жадвалга ёзилган.

14-жадвал

### Транспорт харажатлари (ечимлар бўйича)

Транспорт харажатлари тури	Транспорт харажатлари миқдори	
	1-ечим	2-ечим
Юкларни ташиш	5711.243	4754.559
Ишчиларни ташиш	9749.156	8185.985
жами	15460.399	12940.544

14-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, 1 ечим бўйича юкларни ва ишчи кучини ташиш учун сарфланадиган транспорт харажати 2-чи ечимга нисбатан 2519.855 минг сўмга ортиқча экан.

Шу сабабли лойиҳа асоси сифатида 2- ечимни қабул қиламиз.

Қабул қилинган алмашлаб экиш тизимида етиштириладиган экинлар таркиби, ҳосилдорлик ва ялпи маҳсулот миқдори бўйича маҳсулотлар 15-жадвалда келтирилган.

15-жадвал

### Қишлоқ хўжалик экинлари таркиби, ҳосилдорлик ва ялпи ҳосилқўрсаткичлари

№	Қишлоқ хўжалик экини	Майдони,	Ҳосилдорлик	Ялпи
---	----------------------	----------	-------------	------

	НОМИ	га	ц/га	ҲОСИЛ,Т
1	Пахта	426.8	30.0	1280.4
2	Буғдой	284.0	40.0	1136.0
3	Сабзавот	5,3	250.0	132.5
4	Полиз экини	5.9	300.0	177.0
5	Картошка	5.3	200.0	106.0
6	Беда	20.7	120.0	248.4
	жами	748.0		

Лойиҳабўйича массиви ҳудудида ҳайдалма ерларидан ташқари боғлар ва узумзорлар ҳам мавжуд бўлиб улардан олинадиган маҳсулот миқдори қуйидаги 15- жадвалда келтирилган.

16-жадвал

### Боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари

№	Ер тури номи	Майдони,га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялпи ҳосил т
1	2	3	4	5
1	Боғ	15.9	120	191
2	Узум	10.6	140	149
	Жами	26.5		

Лойиҳа бўйича етиштирилган деҳқончилик ва боғдорчилик-узумчилик маҳсулотларнинг ҳарид нархлари бўйича қиймати қуйидаги 16- жадвалда келтирилган.

17- жадвал

**Дехқончилик ва боғдорчилик- узумчилик махсулотларининг қиймати**

№	Махсулот номи	Миқдори, т	Ҳарид нарҳи, минг сўм	Ялпи қиймати, минг сўм
1	2	3	4	5
1	Пахта	1280.4	360	460944
	Буғдой	1136.0	120	136320
	Сабзавот	132.5	200	26500
	Полиз экини	177.0	150	26550
	Картошка	106.0	150	15900
	Пичан	248.4	50	12420
	Мева	191.0	200	38200
	Узум	149.0	250	37250
	жами			754084

17- жадвал маълумотларига кўра лойиҳа бўйича “Ўзбекистон” массивида 754084 минг сўмлик қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириллади.

Лойиҳавий таклифларни амалга ошириш ҳисобига “Ўзбекистон” массивида қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш ҳисобга олинadиган соф даромад қуйидагича тенг бўлади.

$$СД=ЯМҚ-ХТ=754084-567858.8=186225.2 \text{ минг сўм}$$

Самарадорлик кўрсаткичи қуйидагига тенг бўлади.

$$P = \frac{186225.2}{567858.8} \times 100 = 32.8\%$$

567858.8

### **Ердан фойдаланиш самарадорлигига экологик омиллар таъсирини аниқлаш.**

Ернинг ишлаб чиқариш воситаси сифатида, амалдаги ер тўғрисидаги қонунларга асосан, майдон ва сифат кўрсаткичлари муҳофаза этилади. Ер тузиш бўйича барча ечимлар экологик талабларга жавоб бериши ва салбий оқибатларга олиб келмаслиги керак.

Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуи агроэкологик районлаштириш асосида белгиланади.

Биринчи навбатда бажариладиган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари жумласига қуйидагилар киради:

ерни эрозиядан, шўрланишдан ва батқоқлашишдан сақлаш;

ернинг бузилишига олиб келадиган антропоген таъсирларнинг олдини олиш ёки камайтириш;

бузилган ерларни рекультивациялаш (тиклаш);

махсус қўриқланадиган ҳудудлардан фойдаланиш тартибига риоя қилиш;

сувни ва ҳавони (атмосферани) ифлосланишдан сақлаш;

Ҳудуднинг агроэкологик хусусиятларига қараб тупроқ эрозиясига қарши ер тузиш, агротехника, агроўрмон мелиорацияси ва гидротехника тадбирлари мажмуи ишланади.

Бу ишларни бажаришда аввал ер тузиш тадбирлари таркиби аниқланади.

Уларга қуйидагилар киради: ерларни бир турдан иккинчи турга ўтказиш (трансформациялаш); хўжаликлар чегараларини, экинлар таркибини, хўжаликлар ихтисосликларини ўзгартириш; тупроқни муҳофаза қилувчи махсус алмашлаб экишни жорий этиш. Кўпинча шу тадбирларнинг ўзи ҳам эрозия жараёнини тугатиш

учун етарлик бўлади. Мураккаб вазиятларда эрозия жараёнини тугатиш учун махсус гидротехника ва агроўрмон мелиорацияси тadbирлари режалаштирилади.

Шўрланиш ва батқоқлашиш махсус мелиорация тadbирларини (зовур ва дренажлар тармоғини қуриш) ўтказиш, ердан фойдаланиш йўлларини, суғориш усулларини ва техникасини тўғри танлаш ёрдамида тугатилади.

Ернинг антропоген таъсирлар натижасида бузилиши турлари хилма-хилдир. Улар жумласига: оғир қишлоқ хўжалик техникаси таъсирида тупроқ қатламларининг зичланиб қолиши; тупроқнинг радиоактив моддалар, оғир металллар, маъданли ўғитлар қолдиқлари ва заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши киради. Ерга бўлган зарарли таъсирларни тугатиш воситаларига ифлослантирувчи манбааларни тугатиш, ер ва қишлоқ хўжалик экинлари турларини оқилона жойлаштириш, тозалаш иншоотларини қуриш, оғир техникадан, минерал ўғитлардан фойдаланишни, ўсимликларни муҳофаза қилишда қўлланиладиган кимёвий воситаларни чеклаш, экологик хавфсиз технологияларни қўллаш киради.

Табиатни муҳофаза қилиш тadbирлари махсус қўриқланадиган ҳудудларни (қимматбаҳо ерлар, муҳофаза ва санитария муҳофазаси полосалари ва минтақалари, қўриқхоналар, камёб ўсимликлар ўсадиган ва ёввойи ҳайвонлар яшайдиган жойлар, тарихий ва маданий обидалар ерлари) оқилоно ва самарали ташкил этишни назарда тутди.

Ер – чекланган ресурс, шунинг учун ҳам у муҳофазага мухтож. Энг аввало, ернинг кенглиги чекланган; ерга бўлган барча талаблар фақат бор ҳудуд ичида қондирилиши мумкин.

Маълум фойдаланиш учун мўлжалланган ва берилган (энг аввало корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлари учун) ер участкалари кенглиги бўйича чеклангандир. Бир хўжалик ерларининг кенгайиши бошқа хўжалик ерларининг камайиши ёки умуман тугатилиши ҳисобигагина амалга оширилиши мумкин. Ердан фойдаланишнинг бир тури майдонини кенгайтириш (масалан, ер фондининг қайсидир тоифаси ерларини) учун бошқасини қисқартириш керак.

Ерни муҳофоза қилиш ҳар хил йўллар билан ва ҳар хил босқичларда – лойиҳа олди, лойиҳалаш ва бевосита фойдаланиш жараёнида амалга оширилиши шу билан бир вақтда бошқа табиий ресурсларини муҳофоза қилиш ташкил этиладиган асосдир. Ҳар қандай экологик тадбирлар ердан фойдаланишни ва уни муҳофоза қилишни оқилона, илмий асосланган ташкил этишга асосланади. Шунинг учун хўжаликлараро ер тузиш нафақат ерни, балки бутун атроф муҳитни ҳам муҳофоза қилишнинг биринчи ва асосий элементи деб ҳисобланиши мумкин.

Ерларни муҳофоза қилиш- бу ерларни сақлашга, тиклашга ва ҳолатини яхшилашга; ер ресурсларидан нооқилона, асосланмаган фойдаланиш ва сарфлашларнинг, қишлоқ хўжалик ерларнинг унумдорлиги пасайишининг ва майдони камайишининг олдини олишга қаратилган ташкилий- ҳудудий, ташкилий-хўжалик, ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва бошқа тадбирлар тизимидир. Ерни ва атроф муҳитни муҳофоза этиш тўғридан-тўғри ердан фойдаланишни ташкил этишга боғлиқ. Шунинг учун ҳам ерни муҳофоза этиш бўйича тадбирлар ер тузиш жараёнида ишланиши керак.

Ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофоза қилиш режалаш ва лойиҳалаш жараёнида одамнинг нотўғри ҳаракатлари, айниқса, биосферанинг маҳсулдорлиги пасайиши келтириб чиқарадиган, ҳар қандай зарарларга йўл қўймайдиган ва уларни максимал чеклайдиган воситаларни мақсадли топишдан; ердан фойдаланиш жараёнида унинг сифати ёмонлашишига ҳамда атрофдаги ҳудудларга зарарли таъсирига йўл қўймайдиган усуллардан фойдаланишдан иборат бўлади. Якуний мақсад- ердан ва табиий ресурслардан ишлаб чиқиш ва бошқа фаолият жараёнида тўғри фойдаланиш ҳисобланади.

Ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларини, уларнинг тизимларини лойиҳалашда кейинчалик ерларни ва атроф муҳитни муҳофоза қилиш бўйича хўжаликларда ички чегараларни лойиҳалашни таъминловчи тадбирлар белгиланиши ва шароитлар яратилиши керак, шу жумладан:

ердан тўла ва самарали фойдаланишни таъминловчи ер эгаликларининг (ердан фойдаланишларининг) оқилона ўлчамлари ва жойлашиши, улардаги ер турларининг нисбати;

хўжаликлар чегараларини тупроқ эрозиясига ва бошқа салбий таъсирларига қарши кураш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш;

ҳудудни хўжаликлараро ташкил этишни экологик асослаш.

Ҳар бир муҳофаза қилинадиган ҳудуд, минтақа, манбаа бўйича муҳофаза минтақасининг ўрни, эни ва майдони, ҳудуддан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тартиби белгиланади. Қишлоқ хўжалик ерлари кам шароитларда муҳофаза қилинадиган ҳудудлардаги қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш тартибини белгилаш катта аҳамият касб этади. Ушбу ишларни бажариш натижасида лойиҳа чизмасига муҳофаза қилинадиган ва белгиланган махсус тартиб асосида фойдаланиладиган ерлар чегараларитуширилади.

Бу ҳудудлардан фойдаланишни ва муҳофаза қилиш тартибини аниқлайдиган илмий тавсиялар, меъёрлар, қоидалар асосида лойиҳада (чизмада) қуйидаги тадбирлар кўзда тутилади:

муҳофаза қилинадиган ҳудудлардаги қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш бўйича;

ҳайдалма ерлар, боғлар ва бошқа дарахтзорлардан минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланиш чекланган шароитда самарали фойдаланиш бўйича;

муҳофаза қилинадиган ҳудудлар билан чегарадош ерлардан фойдаланиш йўллари;

атроф муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш бўйича бошқа тадбирлар.

## Хулоса

“Ўзбекистон” массиви ҳудудида мавжуд бўлган ерлардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш учун ердан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи табиий ва иқтисодий омиллар мавжудлиги аниқланди ва таҳлил қилинди ҳамда массиви ҳудудида ердан фойдаланишнинг истиқболга режаси ишлаб чиқилди.

Ердан фойдаланишларнинг мавжуд ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлардан бири ер тузиш ҳисобланади. Шу сабабли,

“Ўзбекистон ” массиви бўйича икки ечимда қуйидагиларни ўз ичига олувчи ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда:

1. Ер турларининг таркиби ва майдонлари аниқланган улар ҳудудда жойлаштирилган.
2. Массиви учун энг самарали ҳисобланган ишлаб чиқариш йўналишини белгиланган ҳолда алмашлаб экиш турлари сони ва майдонларини аниқланган ва улар ҳудудда жойлаштирилган.
3. Лойиҳаланган алмашлаб экиш массивиларини жойлаштириш ечимлари ичидан энг кам транспорт харажатлари сарфланадиган жойлашув аниқланган.

Массиви ҳудудида ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бу экологик омиллар ҳисобланади.

Улар аниқланди ва таҳлил қилинди. Лойиҳада ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омиллардан бири сифатида 1.4 га майдонда ихота дарахтлари полосалардан жойлаштириш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжаликни интенсивлаш жараёнида ечиладиган асосий масала-ердан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ва тупроқ унумдорлигини доимий ошириб боришдир.

Ердан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини доимий ошириб бориш, деҳқончилик маданиятини кўтариш, илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланишга шароит яратиш, ерни ва атроф муҳитни кўриқлаш ҳозирги вақтда ер тузишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ватанимиз ер ресурслари минглаб хўжаликлар орасида тақсимланган бўлиб, улар бир-биридан табиий шароити билан

Лойиҳавий таклифлари амалага ошириш натижасида боғлар майдони 18.9 ва узумзорлар майдони 10.6 га ошди.

Соф даромад 88742.9 минг сўмга ва самарадорлик кўрсаткичи 14.7% га ошди.

Лойиҳада белгиланган тадбирларни амалга оширишнинг учун қуйидагича капитал харажатлар миқдори сарфланади.

## Капитал харажатлар

№	Тадбир номи	Ўлчов бирлиги	миқдори	Ўлчов бирлиги қиймати, минг сўм	Умумий қиймати, минг сўм
1	2	3	4	5	6
1	Янги ерларни ўзлаштириш	га	18.0	1000	18000
2	Янги тутзорни ташқил қилиш	га	11.9	1000	11900
3	Янги узумзорни барпо қилиш	га	10.6	1000	10600
4	Янги ихота дарахтларини барпо қилиш	га	1.4	700	980
5	Янги йўлларни барпо қилиш	км	4.2	100	420
6	Янги суғориш тармоқларини қуриш	км	3.7	200	740
	жами				42640

Сарфланадиган капитал харажатларнинг қопланиш муддати қуйидагича;

$$T = \frac{42640}{3} = 14213.33 \approx 14 \text{ йил}$$

88742.9



